



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 18 сентябрь, № 184 (4847)

Жума

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) куйидаги мазмундаги **186<sup>а</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«186<sup>а</sup>-модда.** Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) кўп миқдорда;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
г) мансаб мавқеини суистемол қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

д) баданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса;

е) дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг сифати ва давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;  
б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

в) одам ўлишига сабаб бўлса, — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»**ги 415-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 2-модда:**  
**«Иккинчи хатбоши** куйидаги тахрирда баён этилсин:  
**«Дори воситалари** — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) кирди»;

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Инсон ва унинг манфаати устувор саналган мамлакатимизда истиқлол йилларида тиббиётнинг амалга оширилишида бу борада, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган эътиборнинг самараси бекиб. Хусусан, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларнинг зарур тиббий жиҳоз ва малакали мутахассислар билан таъминланиши аҳоли учун катта қулайлик яратмоқда.

**Д**

ўстлик қишлоқ врачлик пункти Термиз туманидаги Солибод, Гулистон, Наврўз қишлоқларида яшовчи қарийб етти миң нафар аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келаётган намунали тиббиёт маканларидан биридир. Икки қаватли бинода жойлашган мазкур ҚВПда кўп қиррали тиббий хизмат кўрсатиш учун қулай имкониятлар яратилган. Яъни бу ерда замонавий асбоб-ускуналар ва меъбел билан жиҳозланган мутахассислик хоналари, қабулхона, муолажа, кундузги стационар, лаборатория, физиотерапия, дам олиш хоналари мавжуд.

### Тиббиёт

— Худудимизда икки миңга яқин туғиш ёшидаги аёллар ҳисобга олинган, — дейди ҚВПнинг акушер-гинеколог Бахтигул Саматова. — Уларнинг саломатлигини сақлаш, жумладан, турли касалликларнинг олдини олиш, ҳомиладорликнинг беҳавотир кечишини таъминлайдиган зарур чора-тадбирларни қўллаш бизнинг асосий вазифамиздир. Ушбу мақсадга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш учун ишимизни қатъий режа асосида ташкил этганмиз. Жумладан, жорий йил бошидан қишлоқларимизда истиқомат қилаётган фертил ёшдаги аёлларнинг тўқсон фоизи орасида тиббий курик ўтказиб, уларнинг муайян қисмида саломатлиги раҳна солаётган турли касалликларни аниқлаб олдик. Ҳозирда бу хотин-қизларимиз белгиланган тартибда муолажаларни олмақдалар.

Гулбахор ТАНГИРОВА.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғiston Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат мuddатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кунини ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**  
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри кела-

диган сайловчилар нормаси ўртача 127,5 миң сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2009 йил 12 октябр кунга қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрга қадар шакллантирилсин.

(Давоми 2-бетда).

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

17 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Маълумки, шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат мuddатлари тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кунини ўтказилиши лозим.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шунингдек, сиёсий партиялар сайлов-олди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида»ги низомилар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби» ва бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси котиби О. Соатов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича харажат-

тартиби тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш ва имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби тўғрисида»ги йўриқномалар, «Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайлов-олди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида»ги низомилар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби» ва бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кунини ўтказилиши лозим.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси котиби О. Соатов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича харажат-

лар сметаси лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунини Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан хорижий ва маҳаллий журналистлар учун брифинг ўтказилди.


Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифингга сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов журналистларга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиш тўғрисида»ги қарор қабул қилингани ҳақида ахборот берди ҳамда ушбу қарорда қўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

17 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон ахборот-кутубхона тизимининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ахборот билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Республика ахборот-кутубхона маркази директори А. Ишматов маъруза қилди. Таъкидландики, мамлакатимиз мустақиллиги йиллари давомида кутубхона тармоғи соҳасида замона талаблари ҳисобга олинган ҳолда катта ишлар амалга оширилди. 2006 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, ушбу қарор билан аҳолининг интеллектуал эътиборларини қаноатлантиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга қаратилган мутлақо янги ахборот марказларини яратиш борасидаги ишлар сезиларли тус олди.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган атрофлича муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар замонавий ва яхши жиҳозланган кутубхоналарнинг аҳоли таъминини, интеллектуал, маданий, маънавий савиясини оширишдаги катта роли ва аҳамиятини таъкидладилар. Олий ва ўрта махсус ўқув юрталари ҳамда умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказлари яратишга, шунингдек, Қорақалпоғiston Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Сўзга чиққан депутатлар ахборот-кутубхона марказлари-

ни ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги айрим муаммоларни таъкидлаб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлиф қилди.

Муҳокама якунларига кўра, Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот ва коммуникатсия технологиялари масалалари қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлиналари билан бирга, қўмитага ўз савий-харақатлари Ўзбекистонда ахборот-кутубхона тармоғи ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни сўзсиз бажаришига ҳамда ахборот-кутубхона тизими фаолиятини норматив жиҳатдан таъминлашга йўналтириш вазифаси топширилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини масалалари қўмитасининг аъзоси С. Турсунов тақдим этди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бир қатор қонунларига тақлиф этилаётган тузатишлар, асосан, атамаларга таалуқли бўлиб, айрим ҳуқуқий тушунчаларни янада аниқроқ белгиланган қаратилган. Ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда ишлаб чиқилди ва муҳокамага киритилди.

Қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаси чоғида депутатлар унинг қабул қилиниши қонунларни янада аниқ ва тўғри тушунишга ҳамда жойларда аниқ ижро этишга ёрдам беришини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга


(Давоми 2-бетда).



# Истиқлолнинг 18 йиллиги муборак бўлсин!



Бу байроқ ҳур ва мустақил халқни порлоқ келажак учун бирлаштирди.



**TURKISH AIRLINES**

A STAR ALLIANCE MEMBER

Ўзбекистон, Тошкент ш., Алишер Навоий кўчаси, 11-«А» уй.  
Тел.: (8-371) 236-79-89, 236-79-90, 236-79-92.  
Факс: (8-371) 232-07-27.  
E-mail: tashkentofis@thy.com

**Маълумки, она-Ватанимизда Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга катта аҳамият берилиб, бу борада кўпгина фармонлар, қарорлар ва қонунлар қабул қилинди. Қуйида биз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этувчи давлатимиз миқёсидаги яна бир ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни тўғрисида фикр юритмоқчимиз.**

## АҲОЛИ ОМОНАТИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 4 апрелида қабул қилинган бўлиб, ундан қўзланган асосий мақсад, биринчидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, яъни уларнинг банкларга бўлган қонуний талаб ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчидан, аҳолининг юртимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларига бўлган ишончини ошириш ва банкдан ташқари айланишда бўлган бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиб, уларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиришдан иборатдир.

Ун олти моддадан иборат бўлган ушбу Қонун Ўзбекистонда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий асосларини белгилаб беради, шу жумладан, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондини ташкил этиш, унинг фаолият юритиши, пул маблағларини шакллантириш ва ишлатиш, кафолатлаш шарти юз берганда, омонатларни тўлаб бериш муносабатларини тартибга солади.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли қарори билан мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди. Бу ҳужжатга кўра, унинг асосий вазифаси аҳолининг тижорат банкларидagi омонатларини кафолатлаш, банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия қақирин олинган тақдирда, ундаги аҳоли омонатларини қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлаб беришдан иборат этиб белгиланди.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди фаолият юритаётганига етти йил тўлди. Мамлакатимизда банклар фаолияти устидан ўрнатилган назорат, яъни уларни очиқлик ва шفافлик талаблари ва банклар фаолияти домида белгиланган меъёрларга қатъий амал қилиниши банк тизимининг барқарор ривожланиб боришига замин яратди. Жумладан, ўрнатилган қатъий назорат тўғрисидаги банкларнинг ўз тўлов қобилиятини йўқотмаслигига ва иш улардан лицензия қақирин олинши ҳолларигагина этиб бормаслигига эришилмоқда.

Маълумки, 2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида АҚШда юз берган ва ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз республикамизда банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш, аҳоли омонатларини ҳимоялаш ва банкларга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўллашнинг тақозо этиди.

Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам ушбу мақсадга қаратилган бўлиб, унга мувофиқ, омонатларнинг миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банкларидagi депозит ҳисобварақларидagi омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўланишини кафолатлаш тартиби ўрнатилди.

Шунга қарамай, амалдаги Қонунда бир омонатчига кафолатли ҳақ тўлаб бериш ҳажми республикамиздаги энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан омонатчи билан бўлиши белгиланган эди. Президентимизнинг юқоридаги Фармони билан бу чегара олиб ташланди. Умуман, ушбу Фармондан келиб чиқилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасига, яъни миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банкларидagi депозит ҳисобварақларидagi омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаб бериш таъминоти қўшимча чора-тадбирлар қўллашнинг тақозо этиди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жами 29 та тижорат банки, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодиёт миллий банки, «Узсаноат-қурилишбанк», «Асакабанк», «Агробанк» каби йирик банклар билан бир қаторда «Капиталбанк», «Алп Жамол банк», «Универсалбанк» каби хусусий банклар ҳам фонд реестрига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролари бўлмаган шахсларнинг уларда сақланаётган омонатлари бўйича, миқдоридан қатъи назар, тўлиқ ҳажмда ҳақ тўланиши кафолатланган.

Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, Ватанимиз банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаб бориш ва аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилишнинг янада қўлайлаштириш бўйича қўшимча шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилаётди.

**Ҳ. НИҒМАТОВ,**  
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди раҳбари.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли қарори билан мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди. Бу ҳужжатга кўра, унинг асосий вазифаси аҳолининг тижорат банкларидagi омонатларини кафолатлаш, банкдан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия қақирин олинган тақдирда, ундаги аҳоли омонатларини қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлаб беришдан иборат этиб белгиланди.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди фаолият юритаётганига етти йил тўлди. Мамлакатимизда банклар фаолияти устидан ўрнатилган назорат, яъни уларни очиқлик ва шفافлик талаблари ва банклар фаолияти домида белгиланган меъёрларга қатъий амал қилиниши банк тизимининг барқарор ривожланиб боришига замин яратди. Жумладан, ўрнатилган қатъий назорат тўғрисидаги банкларнинг ўз тўлов қобилиятини йўқотмаслигига ва иш улардан лицензия қақирин олинши ҳолларигагина этиб бормаслигига эришилмоқда.

Маълумки, 2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида АҚШда юз берган ва ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз республикамизда банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш, аҳоли омонатларини ҳимоялаш ва банкларга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўллашнинг тақозо этиди.

Маълумки, 2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида АҚШда юз берган ва ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз республикамизда банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш, аҳоли омонатларини ҳимоялаш ва банкларга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўллашнинг тақозо этиди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси республика Методика ва ахборот маркази директори, Спорт ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви раиси Искандар Жўраевга отаси  
**Тўхтамурод Жўраевнинг**  
вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

«ALSKOM» суғурта компаниясини жамоаси компания бош директори Тўхтамурод Иминовга синглиси  
**Зулфияxon СИДДИҚОВАнинг**  
вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва бирлашган касба уюмчаси қўмитаси Органик кимё ва асосий органик синтез технологиясини кафедраси профессори, кимё фанлари доктори  
**Дилмурод ЮСУПОВнинг**  
вафоти муносабати билан мардумнинг оила аъзоларига чўқур таззия изҳор қилади.

«Физика-Кўеи» ИИЧБси жамоасини Материалшунослик институтининг лабораториясини мудири, физика-математика фанлари номзоди Г. Т. Одиловга волидан муҳтарамаси  
**САИДАХОН АЯННИНГ**  
вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ  
«ЎЗНЕФТГАЗКАЗИБЧИКАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

### ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

тўйинмаган C<sub>3</sub>/C<sub>4</sub> углеводларини тўлиқ гидрогенлаш ускунасини тайёрлашни аниқ лойиҳалаштириш бўйича 09/09-сонли тендер савдоси эълон қилади.

**Лот № 1.** Тўйинмаган C<sub>3</sub>/C<sub>4</sub> углеводларини тўлиқ гидрогенлаш ускунасини тайёрлашни аниқ лойиҳалаштириш.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Фузор тумани, Шўртан қўрғони.  
Телефон: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.  
Электрон почта: group\_hr@sgcc.uz

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

### Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси (РКАТАСБ) Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тугатиш бошқарувчилари томонидан тақдим қилинган қуйидаги мол-мулклар мажмуа (комплекс) ҳолда кимовши савдоларига қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2008 йил 15 майдаги қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган «Мотор заводи» ОАЖ корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Оҳангарон шоҳкўчаси, 2-уйда жойлашган бино ва иншоотлари мажмуа ҳолда. Бошланғич баҳоси — 72 403 792 700 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 24, 30 сентябрь ва 8, 15 октябрь кунлари соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақамини ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг «Турон» банки Қарши шаҳар бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452110, МФО: 00192, СТИР: 200933850.

Манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.  
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.rkmb.uz

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.  
Лицензия: ДВ 001 № 000003.

### «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ марказий идорасининг аукцион савдосига тақроран Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 3. Шамсутдинова кўчаси, 23-«А» уйда жойлашган, «Jisong Korea Industrial» ҚКга тегишли, жами ер майдони 10977 кв.м. бўлган 18 та бино, битта қурилиш тугалланмаган бино ва 3 та иншоотдан иборат кўчмас мулклар қўйилмоқда (2008 йил 11 сентябрдаги 10-0811/8953-сонли ва 17574/2-сонли ижро ҳужжатлари).

Бошланғич баҳоси — 1 066 500 000 сўм.  
Аукцион савдоси 2009 йил 6 октябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилгандан зақалат қилишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақамини ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИТБ «Йилк йўли» банки «Сабон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01436, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

II. РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг аукцион савдосига тақроран Қарши тумани СИБ томонидан (2006 йил 23 январдаги 18-0503/8561-сонли, 2007 йил 12 мартдаги 18-0707/1075-сонли, 2008 йил 1 сентябрдаги 18-0803/6361-сонли, 2009 йил 5 январдаги 18-0906/19969-сонли, 2009 йил 30 январдаги 18-0802/6469-сонли ва 2009 йил 3 мартдаги 18-0905/1521-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган), Қарши туманининг Бешкент «Пахта тозалаш» ОХЖга қарашли, Қарши шаҳри, Ғ.Ғулом МФЙ, Алишер Навоий кўчасида жойлашган маълумот бино, майдони 3614,24 м<sup>2</sup> га тенг, 2 қаватли, 45 хонадан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 71 887 000 сўм.  
Аукцион савдоси 2009 йил 7 октябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилгандан зақалат қилишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақамини ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг «Турон» банки Қарши шаҳар бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452110, МФО: 00192, СТИР: 200933850.

Манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.  
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.rkmb.uz

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими ақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан арзаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

